

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

«Дехқонобод калий заводи» АЖ  
бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.в.б



Т. Зарипов

« 05 » 05 2022 й.

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти  
“Кон” 110/6 кВ подстанциясида 10 дона 6 кВ тақсимловчи  
ускуналарни электротехник лаборатория синовидан ўтказиш,  
бутлаш, тўлиқ таъмирлаш ва созлаш хизматларини кўрсатувчи  
ташкilotни танлаш бўйича

Техник топширик

Дехқонобод – 2022 й.



## МУНДАРИЖА:

1. БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ.....	3
2. БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ) .....	3
3. БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ).....	3
4. БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ).....	3
5. БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ.....	3
6. БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	4
7. БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ).....	4
8. БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ .....	4
9. БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА (МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР .....	4
10. БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР.....	4
11. БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ .....	4
12. БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ .....	4



## 1 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ҲАМДА ФОЙДАЛАНИШ МАҚСАДИ

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – буюртмачи) тоғ-кон мажмуасидаги “Кон” 110/6 кВ подстанциясида 6 кВ тақсимловчи ускуналарни электротехник лаборатория синовидан ўтказиш, бутлаш, тўлик таъмирлаш ва сошлаш хизматлари. “Кон” 110/6 кВ подстанцияси тоғ-кон мажмуаси электр таъминоти учун мўлжалланган.

## 2 БЎЛИМ. ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ (МИҚДОРИ)

Хизматни бажарувчи:  
10 дона 6 кВ ли комплект тақсимлаш қурилмаларини ЭТЛ синовдан ўтказиш, нуқсонини тuzатиш, реле ҳимояси ва автоматикаси ускуналарини ростлаш хизматларини бажариш:  
- 6 кВ ячейкаларида реле қурилмалари, коммутацион аппаратлар билан бутлаш, ўчиргич аравачалари метал қисмини зангдан тозалаб бўёқлаш ишларини бажариш;  
- ўчиргич аравачаларини ҳаракатланадиган ҳолатга келтириш;  
- ўчиргич пружиналарини ишчи ҳолатга келтириш;  
- 12 дона таянч изоляторларни алмаштириш;  
- 10 дона ўчиргичлар ёй сўндириш камераларини алмаштириш;  
- ўчиргичлар юритмаларини ишчи ҳолатга келтириш;  
- ўчиргичлар бошқарув шкафида ўрнатилган релели ҳимоя ва автоматика ускуналари сошлаш ва ростлаш ишларини бажариш

## 3 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТИ (ТАШИШ ШАРТЛАРИ)

Хизматни бажарувчи “ДҚЗ” АЖ тоғ-кон мажмуасига келиб иш шароитини ўрганиши зарур.

6 кВ ли комплект тақсимлаш қурилмаларида тўлик таъмирлаш ишларини бажариш, электротехник лаборатория синовидан ўтказиш ва сошлаш хизматлари.

Бажарилган ишнинг далолатномасини тузиш ва буюртмачига бериш.

## 4 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ МАНЗИЛИ (ЖОЙИ)

Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани “Дехқонобод калий заводи” тоғ-кон мажмуаси.

## 5 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

Бажарувчи томонидан тақдим этиладиган таклифларда бажариладиган ишлар бўйича ҳужжатлар сметаси тақдим этилиши шарт. Бажарувчининг хизмат сафари, яшаш, жўнатмалар жўнатиш ва шу каби ҳар қандай харажатларни аниқ сумма билан чекланиши шартноманинг амал қилиш муддатида ўзгариши мумкин эмас.

Бажарилган ишлар учун тўловлар, ишларни бажарилганлигини (хизматларни кўрсатилганлигини) тасдиқловчи барча ҳужжатлар олинганидан кейин 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилиши зарур, лекин бу муддат 15 (ўн беш) календар кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.



6 БЎЛИМ. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР  
МУРАККАБЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШТИРОКЧИЛАРГА  
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Хизматни бажарувчи ташкилот ваколатли органларнинг лицензиясига эга бўлиши шарт.

7 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ  
КЎРСАТИШ МУДДАТИ (ДАВРИ)

Хизматни кўрсатиш муддати – 2022 йилнинг июн – июл ойлари.

8 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ  
ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Хизмат кўрсатувчи ташкилот бажарган ишлари бўйича далолатнома тузиб буюртмачига тақдим қилади.

Ҳисобот даври бўйича давлат буюртмачиси ва ишларни (хизматларни) кўрсатувчи ташкилот раҳбарияти томонидан далолатнома расмийлаштирилиб имзолангандан сўнг ишлар тўлиқ бажарилган ҳисобланади ва тўлов учун ҳисоб-фактура ёзилади.

9 БЎЛИМ. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲАЖМИГА  
(МИҚДОРИГА) КАФОЛАТ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

Хизмат кўрсатувчи бажарган ишларининг сифати ва узоқ муддат ишлаши бўйича кафолат бериши шарт.

10 БЎЛИМ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ  
КЎРСАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

- Хизмат кўрсатувчи ташкилот 110/6 кV “Кон” подстанцияларидagi электр ускуна ва қурилмаларини ишга тushirishda иштирок etishi шарт.

11 БЎЛИМ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Қисқартма	Қисқартманинг тўлиқ ёйилмаси
1	“ДКЗ” АЖ	“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти

12 БЎЛИМ. ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Илова номланиши	Варақлар сони
-	-	-

**Ишлаб чиқди:**

Бош энергетик ўринбосари

Ш. Юлдашов

**Келишилди:**

ИЧМБ бошлиғи ўринбосари

Д. Хусанов

ТХКТва РМБ бошлиғи

А. Ашуров

“ДКЗ” АЖ бош энергетик

Э. Ядгаров